

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5.2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

МУНДАРИЖА

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Ю.П. Апаков, А.Х. Жураев

Карралы характеристикали бешинчи тартибли бир тенгламанинг чекли соҳадаги ечими ҳақида	5
М.Мамажонов, С.М. Мамажонов	
Бешбурчакли соҳадаги тўртинчи тартибли параболик – гиперболик турдаги тенглама учун битта чегаравий масала ҳақида	11
Ж.О.Тахиров	
Амалий математиканинг баъзи замонавий муаммолари ҳақида	19

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Максудов Р.Х., Джураев А., Шухратов Ш., Холдоров Ш

Пахта тозалагичнинг ишчи органлари динамикасини ўрганиш	27
О.Қ. Дехқонова	
Умумий ўрта таълим мактабларида физика ва математика фанлари узвийлигининг таҳлили	33

КИМЁ

О.Эргашев, М.Коххаров, Э.Абдурахмонов

СаA (M-22) цеолитида карбонат ангидрид гази адсорбциясининг энергетикаси	36
БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ	

М.Холиқов, Ё.Аҳмедова

Фарғона водийсидаги күшларнинг географик тарқалиши ва муҳофазаси	41
Х.М. Шодмонов, Н.З. Сотвоздиев, И.А.Акбаров	
Уй шароитида анордан шарбат ва компот тайёрлаш технологияси	43

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Ғ.Юлдашев, Г.Сотиболдиева

Суғориладиган кольматажланган оч тусли бўз тупроқлар агрокимёвий хоссаларининг ўзгариши	46
---	----

М.Т.Исағалиев, З.Ж.Исомиддинов

Суғориладиган сур тусли кўнғир тупроқлар биогеокимёси	51
---	----

В.Ю.Исақов, А.Н.Хошимов

Сўх конус ёйилмаси тупроқларининг экологик мелиоратив ўзгаришлари	57
---	----

Ижтимоий-туманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

О.Умаров

Ҳудудларда иқтисодий мустаҳкамлик заҳирасини яратишнинг самараదорлиги	61
---	----

ТАРИХ

З.Й.Эсонов

Фарғона водийси хунармандларининг пирлар билан боғлиқ эътиқодий қарашлари	63
---	----

А.Абдухалимов

Мустақиллик йилларида водий вилоятларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммолари	67
---	----

М.М.Темирова

Фарғона вилоят радиоси тарихига доир айрим мулоҳазалар	70
--	----

Ш.Махмудов

Қўқон хонлигига хорижий давлатларнинг элчиларини қабул қилиш: анъаналар ва ўзига хослик	74
---	----

А.Юлдашев

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тайёрлаш тизимининг тадқиқотларда акс этиши	77
--	----

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

М.М.Юлдашев, Ш.А.Рахимов

Европа мамлакатларида ёшлар сиёсати: амалиёт ва тажриба	80
---	----

З.Р.Қадирова, А.А.Қамбаров

Ижтимоий фикрлар тарихида тафakkur услуги масаласи	84
--	----

Р.Рўзиева, Н.Эшонқулова, Н.Бобоназарова

Илмий билиш баҳт-саодатга интилиб, ахлоқий маданияти юксалишида муҳим омил	87
--	----

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ

УДК: 570+598.2/9

ФАРГОНА ВОДИЙСИДАГИ ҚУШЛАРНИНГ ГЕОГРАФИК ТАРҚАЛИШИ ВА МУХОФАЗАСИ

ГЕОГРАФИЧЕСКОЕ РАСПРОСТРАНЕНИЕ И ОХРАНА ПТИЦ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

GEOGRAPHICAL DISTRIBUTION AND PROTECTION OF BIRDS IN FERGANA VALLEY

М.Холиқов, Ѓ.Аҳмедова

Аннотация

Мақолада Фарғона водийсидаги қушларнинг географик тарқалиши ва муҳофазаси ҳақидаги фикрлар берилган. Қушларнинг водий учун характерли вакиллари, тур сони, тоғли, тоғолди, чўл зоналар, ярим чўлларда учрайдиган қушлар, яъни йилқичи, ўргатувалоқ, сариқ сор, тоғ чумчук, масқара, қора калхат кўрсатиб ўтилган. Дунё бўйича 9000 та турдан 87 тури водийда учраши, уларнинг 14 таси учуб келиб-кетадиган қушлар эканлиги таъкидланади.

Annotation

In this article, on the basis of literature data and authors research geographical wide spread of birds and their protection in the Fergana valley are given.

Таянч сўз ва иборалар: йилқичи, ўргатувалоқ, сариқ сор, тоғ чумчук, масқара, қумой, қора калхат, оқбошли қумой.

Ключевые слова и выражения: авдотка, дрофа-красотка, сарыч, малиновка, гриф, снежный гриф, черный коршун и другие птицы. Мировая фауна насчитывает 9000 видов птиц, 87 из которых обитают в долине, в том числе 14 видов перелетных птиц.

Annotation

In this article, on the basis of literature data and authors research geographical wide spread of birds and their protection in the Fergana valley are given.

Keywords and expressions: swallow, lilac, yellow sorghum, desert-rock-cutters, snake, sandstone, snow leopard, white gum.

Қушлар ҳайвонот дунёси ичida ўзининг хилма-хиллиги ҳамда тур таркиби жиҳатидан бошқа ҳайвонот дунёси вакилларидан ажralиб туради. Ўзбекистон бўйича амалга оширилган орнитологик тадқиқотларнинг амалга ошиши натижасида шундай хулосага келиндики, Фарғона водийсининг қушлари ва уларнинг географик тарқалиши ҳақида кам тұхталиб ўтилган. Фарғона водийсининг иқлим шароити Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан фарқ қиласди. Шунга мувофиқ, бу ердаги фауна водийнинг рельефи, сувлари, тупроқлари ҳамда иқлим шароитига мос ҳолда шаклланган. Бу ерда кенг тарқалган келиб-кетувчи, учуб ўтувчи, камайиб бораётган ва ноёб турлар фарқланади.

Дунё бўйича қушларнинг 9000 тадан ортиқ тури тарқалган бўлса, шундан Ўзбекистон бўйича 432 га яқин тури қайд қилинган, Фарғона водийсида уларнинг 87 тага яқин тури ҳисобга олинган. Шулардан водийда ўтроқ яшовчи қушлар 25 (Фарғона водийси жами қушларининг 28.73%) тага яқин турни, келиб-кетувчи қушлар эса 48 (Фарғона водийси жами қушларни 55.17%) тага яқин турни ҳамда учуб- ўтувчи қушлар 14 (Фарғона водийси жами қушларининг 16.1%) тага яқин

турларини ўз ичига олади. Бу турларнинг географик тарқалишини Фарғона водийсида куйидагича тақсимлаш мумкин.

Текисликлар жуда катта майдонни эгаллади, шундан 56% майдон Марказий Фарғона ҳудудига тўғри келади. Текисликларда чўлларнинг бир неча тури фарқ қилинади: қумли, соз тупроқли, шўрхок, тошлоқ (гипсли) ва бошқалар. Фарғона водийсидаги қумли ҳамда соз тупроқли чўллар (Фарғона, Ѓёён дашти) анчагина майдонни ташкил қиласди. Чўл ҳудудида яшовчи қушлар узоқ давом этадиган курғоқчилик шароитига, жазира маисиқида чидамли бўлади. Шунинг учун бу ердаги қушларнинг ҳаёт шароити бошқа минтақа қушлариникидан кескин фарқ қиласди. Жумладан, водийдаги чўлларда қушларнинг бир неча туригина (йилқичи, тентакқуш, бойқуш, сўфитурғай, шўрхок тўрғай, дашт тўрғайи, чўл бўктаргиси, жўрчи, йўрға- тувалоқ, миққий кабилар) тарқалган. Бу ерда турли хил шароитда яшашга мослашган ва кенг тарқалган турлар (тўрғайлар, тошсири чумчуқлар) кўпроқ учрайди.

М.Холиқов – ФарДУ, биология фанлари номзоди, катта ўқитувчи.

Ё.Аҳмедова – ФарДУ, магистрант.

Фарғона водийси худудини жанубдан Туркистон ва Олой, шарқдан Фарғона ва Отўйноқ, шимолдан Чотқол, шимоли-ғарбдан эса Қурама ва Қорамозор тоғ тизмалари чегаралаб туради. Тоғлардаги ҳаёт шароити чўллардагига қараганда бирмунча турли туманлилиги билан фарқ қиласди, шунинг учун бу ердаги күш турлари яшашига қулай шароити ҳисобланади. Водийда Чала чўлли тоғ минтақаси, тоғ даштлари минтақаси, тоғ ўрмонлари минтақаси ва Альп минтақаси фарқ қилинади.

Чала чўлли тоғ минтақаси адир дейилиб, денгиз сатҳидан 200-600 м баландлиқда жойлашган тепалик ва тоғ этагидан иборат. Бу минтақада учровчи қушларнинг характерли вакилларидан йилқичи, йўрғатувалоқ, тўрғайларнинг бир неча тури, сариқ сор, чўл тошсирчумчуклари, кўккарға, сариқ чумчук кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Тоғ даштлари минтақаси ўтли дашт худуди ҳисобланиб, денгиз сатҳидан 600-1100 м баландлиқда жойлашган. Тоғ даштлари минтақасида характерли қушлардан бедана, каклик, куйка, сор каби турлар учрайди. Тоғ ўрмонлари минтақаси денгиз сатҳидан 1200-2500 м баландлиқда жойлашган. Бу ерда намлиқ кўп, деярли ҳамма жойда сув манбалари ва ёмиш топиш имкони мавжуд. Ўрмонлар орасидаги чуқур жарликлар, тик қоялар ва қоялардан нураб тушган ўюмлар кўлгина қушлар учун бошпана бўлади. Худудда тарқалган асосий турлардан вьюроклар, сариқ чумчуқлар, арча болтатумшуғи, читтаклар, фотма чумчук, қизилиштон, мойқут, пеночка, зарғалдоқ кабилар кўплаб учрайди. Стенолазлар, пичугаларни ахён-ахёнда, тезоқар сувлар ёнида эса деворда юрувчи сув чумчуқлари учрайди. Тоғ чўққилари ва даралар тепасида йиртқич қушлар – тасқара, қумой, бургут, оқбошли қумой сингари характерли вакиллари тарқалган. Водийнинг сув ҳавзалари ҳамда унга яқин бўлган қамишзор ва тўқайлар ёввойи ўрдак, қирғовул, тўқай чумчуғи, оддий какку, сариқ жиблажибон, зағизон (ҳакка), кўк

ва малла қўтон, олақарға, вахмақуш, чуррак, ғозлар, гарб булбули, мўйловдор читтак, қораялоқ каби күш турлари тарқалган асосий яшаш жойи ҳисобланади. Бу турлар яшаш шароитидан келиб чиқиб, бошқа ареалларда камроқ учрайди.

Фарғона водийсида воҳа (оазис)лар анчагина жойни ташкил қиласди. Воҳалар водийда Марказий Фарғона чўл зонасининг тоғ ёнбағирларида ва чала чўллар минтақасида жойлашган. Улар инсон қўли билан яратилган маданий ландшафтлар ҳисобланади. Бу худудларда водий орнитофаунасининг ўтроқ, келиб-кетувчи, учеб-ұтувчи, турлари фарқланади. Жумладан, шаҳар ва қишлоқларда қушларнинг қишлоқ қалдирғочи, мусича, дала чумчуги, уй чумчуги, тия қалдирғоч, майна, қорашақшак, карқулоқ каби турлари энг характерли ҳисобланиб, қишиларнинг турар жойларида кўп тарқалган. Бундан ташқари, экиб ўстириладиган дарахтзорлар қоракалхат, жигилтой, кўк каптар, загизон, зарғалдоқ, вахмақуш, қоратўш чумчук, булбул каби күш турлари учун асосий уя қуриш маскани бўлиб хизмат қиласди.

Водийдаги табиий ландшафтларнинг тезкорлик билан ўзлаштирилиши, яъни ерни ҳайдаш, овчиларнинг кўпайиши ёввойи қушларнинг ўйламай-нетмай, қонун-қоидага риоя қилмай ов қилиниши, янги-янги шаҳарлар, қишлоқларнинг вужудга [2.45] келиши, табиатдан оқилона фойдаланмаслик оқибатида қушларнинг яшаш жойлари ҳамда тур таркибининг камайишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат ҳозирги пайтга келиб Фарғона водийсида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига 19 та қүш турининг киритилишига олиб келди. Фарғона водийсида ёввойи қушлар ва улар жойларининг муҳофазаси бўйича маҳсус қонунчилик асосида амалий чора-тадбирлар кўрилмаса, уларнинг табиатда йўқ бўлиб кетиши ҳавфини бартараф қилиб бўлмайди. Ноёб ва йўқолиб кетиш ҳолатида бўлган қушларни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг табиат олдидағи бурчимиз ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Янушевич А.И, Абдусалымов Я., Гаврилов Е.И., Юрлов К.Т., Кашкаров Д.Ю., Еминов А., Ажимуратов А. Местность и экологическая регулярность миграции птиц в континентальных областях западной части Азии. Орнитология. - Выпуск 17. -М., 1982.
2. Белялова Л.Е, Абдусалимов Я. Водохранилище Чимкурган. Важные места обитания птиц. Под ред Кашкарова. Р.Д., Уэлша Д.Р. и Бромбейкера М. с пом. Лановенко Е.Н. –Т., 2008.

(Тақризчи: F.Хомидов – биология фанлари доктори, профессор).